

**QO'NG'IROT TUMANLARARO****IQTISODIY SUDI**

230600, Qungirotd tumani,  
R.Abdullaev kuchasi, raqamsiz uy

**QO'NIRAT RAYONLAR ARALIQ****EKONOMIKALIY SUDI**

230600, Qon'irat rayoni, R.Abdullaev  
ko'shesi, nomersiz jay

[Tel: \(55\) 102-40-64 \(253\)](tel:(55)102-40-64)

Эл.почта: [i.qungirotd@sud.uz](mailto:i.qungirotd@sud.uz)

**АЖРИМ**

(даъво аризасини кўрмасдан қолдириш тўғрисида)

**Қўнғирот тумани 2023 йил 23 май 4-2303-2301/675-сонли иш**

Қўнғирот туманлараро иқтисодий суди судья А.Ш.Аяпов, Ў\*\*\*\* даъвогар "Q\*\*\*\*" АЖ манфаатида жавобгар "Б\*\*\*\*" фермер хўжалиги ҳисобидан 1824000 сўм асосий қарз ва 912000 сўм пеня ундириш тўғрисидаги даъво аризасини ва унга илова қилинган ҳужжатларини суд биносига кўриб чиқиб, қуйидагиларни

**аниқлади:**

Ў\*\*\*\* даъвогар "Q\*\*\*\*" АЖ манфаатида Қўнғирот туманлараро иқтисодий судига даъво ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар "Б\*\*\*\*" фермер хўжалиги ҳисобидан 1824000 сўм асосий қарз ва 912000 сўм пеняни ундиришни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда ИПК деб юритилади)нинг 203<sup>4</sup>-моддаси иккинчи қисмига кўра, жавобгар даъво аризаси юзасидан ёзма фикрини даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш ва иш кўзғатиш ҳақида ажрим чиқарилган кундан эътиборан ўн беш кунлик муддатда судга ўзи асосланаётган ҳужжатлар ва далилларни илова қилган ҳолда тақдим этишга ҳақли. Ёзма фикрга унинг кўчирма нусхаси даъвогарга юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинади. Ушбу Кодекснинг 203<sup>4</sup>-моддаси учинчи қисмига кўра, даъво аризаси юзасидан ёзма фикр жавобгар ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Вакил томонидан имзоланган ёзма фикрга ишончнома илова қилинади.

Бирок, даъво аризасининг судга юборилиши ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар вакили томонидан даъво аризаси юзасидан ёзма фикр тақдим этилмади.

Ушбу Кодекснинг 203<sup>4</sup>-моддаси тўртинчи қисмига кўра, даъво аризасининг судга юборилиши ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар томонидан даъво аризаси юзасидан ёзма фикр тақдим этилмаганлиги даъво аризасини соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқишга тўсқинлик қилмайди.

Ушбу ҳолатда суд тақдим этилган ҳужжатлар ишни мазмунан кўриб чиқиш имкониятини беришини инобатга олиб, ишни соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқишни лозим деб ҳисоблайди.

Суд, ишдаги мавжуд ҳамда тақдим этилган ҳужжатларни таҳлил қилиб, қуйидагиларга кўра даъвони кўрмасдан қолдиришни ҳамда ишни кўриш билан боғлиқ суд харажатларини даъвогар зиммасига юклашни лозим топади.

ИПКнинг 107-моддаси 3-бандига кўра, даъво аризаси имзоланмаган бўлса ёки уни имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан ёхуд мансаб мавқеи ёки фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланган бўлса, суд даъво аризасини кўрмасдан қолдиради.

Иш ҳужжатларида кўринишича, Ў\*\*\*\* даъвогар "Q\*\*\*\*" АЖ манфаатида берилган даъво аризаси Ў\*\*\*\* бошлиғи ўринбосари А.Сейтахов томонидан имзоланиб, "Q\*\*\*\*" АЖнинг Ўзбекистон Савдо-саноат палатасига аъзолик гувоҳномаси илова қилиниб, мазкур аъзолик гувоҳномасида 2024 йил 30 январгача амал қилиш муддати белгиланган, бироқ соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқишда "Q\*\*\*\*" АЖ ва Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ўртасида тузилган аъзолик гувоҳномаси **сохталаштирилиб**, бошқа тадбиркорлик субъектининг аъзолик гувоҳномаси судга тақдим қилинганлиги ва мазкур аъзолик гувоҳномаси, яъни "Q\*\*\*\*" АЖ ва Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ўртасида тузилган аъзолик гувоҳномасининг аъзолик муддати 2023 йил 12 январь куни тугаганлиги аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Биринчи инстанция суди томонидан иқтисодий процессуал қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида" 2019 йил 24 майдаги 13-сонли қарорининг 28-банди олтинчи хатбошисига кўра, палатага аъзолик тўғрисидаги гувоҳнома муддати тугаганлиги аниқланган тақдирда, даъво аризаси (ариза) ИПК 155-моддаси биринчи қисмининг 2-бандига асосан қайтарилиши, бу ҳолат даъво аризаси (ариза) иш юритишга қабул қилинганидан кейин аниқланса, даъво аризаси (ариза) ИПК 107-моддасининг 3-бандига мос ҳолда кўрмасдан қолдирилиши белгиланган.

Мазкур ҳолатда даъво аризаси имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томонидан имзоланганлиги сабабли даъво ариза кўрмасдан қолдирилиши лозим.

Қайд этилганларга кўра, суд даъво аризани кўрмасдан қолдиришни, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг " Иқтисодий ишлар бўйича суд харажатларини ундириш амалиёти тўғрисида "ги 2020 йил 19 декабрдаги 36-сонли қарорининг 17-банди тўртинчи қисмида давлат божи тўлашдан озод қилинган давлат органлари ҳамда бошқа шахслар юридик шахслар ва фуқароларнинг манфаатида киритган даъво аризалари (аризалар) кўрмасдан қолдирилганда ёки иш юритиш тугатилганда давлат божи манфаати кўзланиб даъво киритилган даъвогарлардан ундирилади, бунда "Давлат божи тўғрисида"ги Қонуннинг 18-моддасига кўра, даъво қўрмасдан қолдирилган ёки иш юритиш тугатилган ҳоллар мустаснолиги тушунтириш берилганлигини инобатга олиб, даъвогар "Q\*\*\*\*" АЖ ҳисобидан 300 000 сўм Республика бюджетига давлат божи ундиришни, почта харажати даъвогарнинг зиммасида қолдиришликни лозим деб топди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 107 ва 195-моддаларини қўллаб, суд

**ажрим қилади:**

Ў\*\*\*\* даъвогар “Q\*\*\*\*” АЖ манфаатида жавобгар “Б\*\*\*\*” фермер хўжалиги ҳисобидан 1824000 сўм асосий қарз ва 912000 сўм пеня ундириш тўғрисидаги даъво аризаси кўрмасдан қолдирилсин.

Олдиндан тўланган почта харажати даъвогарнинг зиммасида қолдирилсин.

Даъвогар “Q\*\*\*\*” АЖ ҳисобидан Республика бюджетига 300 000 сўм давлат божи ундирилсин.

Ажрим қабул қилинганидан кейин 10 (ўн) кун ўтгач қонуний кучга киради.

Ажрим юзасидан ижро варақаси берилсин.

Мазкур ажрим устидан 10 (ўн) кун ичида апелляция тартибида шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин.

**Судья**

**А.Ш.Аяпов**